

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат
Архитектура - Қурилиш институти

“Қурилишни бошқариш” факультети
“Касбий таълим” кафедраси

Диплом лойихасининг
ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мавзу: Рангтасвирда эркак портретини тасвирлаш
ва уни ўқитиш услуги

Кафедра мудири: доц. Рахимов А.Қ.

Рахбар: Ўқит.

Битирувчи:

Самарқанд 2012 йил

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«Қурилишни бошқариш» факультети
« Касбий таълим » кафедраси

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Диплом лойихасининг мавзуси

Рателгас вурда эркак портретини
тасвирлаш ва унинг ўқитиш
усулди.

Диплом лойихасини
бажарувчи толиб (а)

Розимова Ф.

(Ф.И.Ш.)

Кафедра мудири

доц. Рахмонов А. В.

(Ф.И.Ш.)

Рахбар

ўст. Мамедов А. Н.

(Ф.И.Ш.)

Маслахатчилар


ўст. Абдулов Ф. Ш.

(Ф.И.Ш.)


Оқоғчи

доц. С. Саидов


(Ф.И.Ш.)



(Имзо)




(Имзо)



(Имзо)



(Имзо)



(Имзо)

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура
Курилиш Институти

«Курилишни бошқариш» факултети

«Касбий таълим» кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН
ТОПШИРИҚ

Розишова Фарзона.

(талабанинг фамилияси, исми, шарифи)

I. Диплом лойиҳасининг мавзуси Рангтасвирда
эркак портретини тасвирлаш ва
унинг ўқитиш усулби.

Институт буйича 2014 й. 12 «17» а - 4 сон буйрук асосида тасдиқланган.

II. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар Рангтас-
вирда портрет шинаида сиз адабиёт-
лар ва маълумотлар тузиш.

III. Тушунтириш хатида келтириладиган:

1. Мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, уларнинг таҳлили ва асослаш Тузиш-
ган маълумотлар таҳлили қилиш,
мавзу асосидаги ва шинаи шина
рениш тузиш.
2. Диплом лойиҳасининг назарий шакли ишланмалари Рангтасвирда
портрет шинаи асосларини яратилиш
назариясини илҳом.
3. Диплом лойиҳасининг амалий шакли бўйича эскизлар бажариш Мавзуга
сиз эскизларнинг бир неча вариант-
ларини шинаи текшириш ва шинаи
и вариантни таҳлил қилиш.
4. Ўқув услубий қисми Мавзуга сиз дарс бериш рени-
шини тузиш, 2-соатлик дарснинг шинаи
хушхотларини шинаи текшириш ва дарс
ўқитиш усулбинини яратилиш.
5. Диплом лойиҳаси бўйича хулоса қисми Тутирувчинини шинаи
шинаи шинаи бажариш шинаи
шинаи шинаи бўйича шинаи шинаи
шинаи келтириш.
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати Шинаи шинаи ба-
жариш шинаи шинаи шинаи
адабиётлар ва шинаи шинаи
шинаи рўйхати келтириш.

IV. Диплом лойиҳасининг таркиби ва график қисми:

1. Рангтаъсвирда портрет нақрида баъжаришган эркак портрети. 60x90.
2. Мавзуга оид танишган ва тасвирланган эскиз. 20x30.
3. "Тўшунганлар таълими"-дараўтий технологияси.
4. Дара ретнаси ва таъсисоти.

V. Диплом лойиҳасининг қисмлари бўйича маслаҳатчилар:

№	Диплом иши қисмлари	Бошланиши	Тугалланиши	Маслаҳатчилар	Изоҳ
1.	Мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, уларнинг таҳлили ва асослаш.	1.03.12	26.03.12	Мешахунов А. [Signature]	
2.	Диплом иши назарий шаклининг ишланмалари.	27.03.12	12.04.12	Мешахунов А. [Signature]	
3.	Диплом ишининг амалий шакли бўйича эскизлар баъжариш.	13.04.12	10.05.12	Мешахунов А. [Signature]	
4.	Ўқув услубий қисми.	11.05.12	15.06.12	Рахимова А.Б. [Signature]	

5. Экология.

Изоҳ:

1. Диплом лойиҳаси «Низом» га асосан баъжарилади.
2. Хар бир топширикда кўрсатилган муддат охирида рахбар ёки маслаҳатчи томонидан имзолангандан кейин навбатдаги қисмини баъжаришга кафедра томонидан рухсат берилади.

VI. Топширик берилган сана 1.03.12

VII. Тугалланган диплом лойиҳасини топшириш санаси 15.06.12

Диплом лойиҳаси рахбари уст. Мешахунов А. [Signature]
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Топширик баъжариш учун қабул килинди Рошмова Ф. [Signature]
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Кафедра мудири доц. Рахимова А.Б. [Signature]
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

М У Н Д А Р И Ж А:

I. КИРИШ.....	1
II. Мавзуни асослаш	3
III. Рангтасвир санъати.....	7
IV. Рангтасвирда портрет жанри.....	10
V. Портрет яратишнинг ижодий жараёни ҳақида	11
VI. Ўқув услубий қисм	13
VII. Хулоса	32
VIII. Адабиётлар	35

I. КИРИШ

Кириш

Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Демак шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғоғниш ғоясини чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим фазилатларидан бири бўлиб қолади.

И.А.Каримов

Бу муҳим мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда малакали мутахассис кадрлар шакл-шубҳасиз ҳал қилувчи рол ўйнайди. Инсон омилининг кучи ва таъсири энг аввало юксак маънавият, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланади. У аҳолининг билимдонлик даражаси, шу билан бандликнинг касбий малака тузилмаси ва шу каби кўпгина шарт-шароитлар, воситалар орқали таркиб топади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, улардан оқилона фойдаланиш масаласига катта аҳамият берилди.

II. Мавзунни асослаш

МАВЗУНИ АСОСЛАШ

Мавзуга асосан рангтасвирда портрет шаклида тасвир ишлаш талаб қилинган.

Айнан шу мавзуни танланишига асосий сабаблардан бири, бу дадам. Бу ёруғ дунёни ёш тарк этган дадам, қисқа умри давомида ўзининг ҳаёт йўли билан бизларнинг онгимизда иллик таъсуротлар қолдирган. Ана шу сабаб, дадам портретини рангтасвирда тасвирлашни ният қилдим. Бу ишимни у кишининг ёруғ ҳтирасига бағишлайман.

Энди портрет ишлаш санъати ҳақида сўз йуритсак. Бу санъат қадимда пайдо бўлган. Қадимги Мисрда портретнинг ноёб намуналари яратилган. Юнонистонда шоир, файласуф ва давлат арбобларини умумлама идеаллаштирилган ҳайкал портретлари ишланди. Антик давр портрет ҳайкалтарошлиги Қадимий Рим санъатида юксак чўққига кўтарилди, аниқ шахсга эътибор ошди.

Юксак Уйғониш даври буюк ижодкорлари Леонардо да Винчи, Рафаэль, Жоржоне, А. Дюрер, катта Лукас Кранас, Кичик хольбейн ва бошқалар портретдаги образлар мазмунини чуқурлаштирдилар, XVII асрга келиб демократик қарашларнинг ортиб бориши инсонга чуқур мухаббат билан суўорилган, нозик хис-туйғуларни англаш ва тасвирлашга қаратилган тўлақонли ва ҳаракатга бой портретларни майдонга келтирди, гуруҳ портрети ривожлана бошлади.(рембрандт, Халс ва бошқалар).

Автопортрет шу изланишлар мажмуидир, рассом инсон руҳида бўладиган ўзгаришларни, қараш, юздаги мимик ўзгаришларда ифодалашга ҳаракат қилади.

Шарқ (Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Хиндистон ва бошқалар) миниатюра санъатида портретнинг нодир намуналари яратилган. Жумладан, ўзбек портрет санъати ҳам тарихга эга. Амир Темур ва Темурийлар. Шайбонийлар ҳамда Бобурийлар даври санъати (Каолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаххид, Мухаммад мурод Самарқандий ва бошқалар) –даги миниатюраларда маълум даражада тараққий этган. Нафис (мўжаз расм) миниатюра тараққиёти даврида ыр асар устида ижодий ҳамкорлик қилган, кишилар қиёфаси, юзини тасвирловчи мусаввир номига чехракулой (юзни оловчи) ёки чехра сўзи қўшилган. Айниқса, Бобурийлардан Акбар ва Жаҳонгир даврида айрим шахслар тасвири билан бирга гуруҳ портрети яратиш тараққий этган. Ушбу портретлардаги кейинчалик Европалик рассомлар (Рембранд, Ж. Рейнолдс ва бошқалар) маълум даражада ўрганган, илҳомланган. XX асрнинг 30-50 йиллардан замонавий ранг-тасвирдаги портрет ривожланди. Шу даврда портретнинг ҳамма кўринишлари (портрет, автопортрет, гуруҳ портрети, портрет-картина, тарихий портрет ва хоказо) да асарлар яратилди. Баҳром Хамдамий, Л. Насриддинов, Ш. Ҳасанова, А. Абдуллаев, Ў. Тансиқбоев, М. Набиев ва бошқалар портретнинг дастлабки намуналарини яратдилар, 50-60 йиллардан портретнинг диққатга сазовар намуналари яратилди: “Ўзбек портрети” (Ў. Тансиқбоев, 1927), “Алишер Навои” (В. Кайдалов,

1940. 1947), “ Абу Райхон Беруний”, (М. Набиев 1950. 1972), “ М. Турғунбоева”(Ч. Аҳмаров), “ Юнус Ражабий” (Н. Қўзибоев, 1954) ва бошқалар. Бугунги кунда ўзбек портретчилиги жаҳон санъати ривожига фанида ўз мавқеи ва ўрнига эга. Б. Жалолов, А. Икромжонов, С. Раҳметов ва бошқаларнинг асарларида замон руҳи Шарқ ва Ғарб санъати анъаналари силсиласида ўз аксини топган.

III. Рангтасвир санъати

РАНГТАСВИР САНЪАТИ

Авваламбор, ранг тасвир санъати тарихи ҳақида маълумот келтирсам. Хўш рангтасвир санъати қачон пайдо бўлган.

Рангтасвир қадимда сўнги палеолит (милoddан авvлаги 400-8 минг йилликлар) да пайдо бўлган. Жанубий Франция (Фон де ГОМ, Ласко), Шимолий Испания (Альтомира), Ўрта Осиё ва бошқа ҳудудларда рангтасвир асослари сақланиб қолган. Соз тупроқли бўёқлар, қоракуя, писта кўмир билан ишланган расмлар, текис шарпа сифат (силуғт), баъзиларида эса ҳажмли қилиб ишлашга ҳаракат қилинганлиги сезилади, мезолит ва неолит даврида бажарилган ибтидоий расмларда мураккабкомпозициялар, абстракт тушунчалар пайдо бўла бошлаган. Қулдорлик даврида ривожланган техник воситаларга бой образлар тизими шаклланди. Қадимий Шарқ мамлакатлари (Миср, Ҳиндистон, Ўрта Осиё) , жанубий-шарқий Европа (Юнонистон, Италия), шунингдек, Америк қитъаси (Марказий Америка) да монументал рангтасвир ривожланди. Мақбара ибодатхона, сарой ва бой зодагонларнинг уйлари деворига турли мавзу ва йўналишда асарлар ишланди.Антик даврда меъморлик ва хайкалтарошлик билан уйғунлашган ранг тасвир диний мазмун билан бир қаторда олий табақа мақсадларига хизмат қилади, нурсоя чизиқ ва ҳаво перспективаси юзага келди, маиший ва тарихий лавҳалар манзара портрет, натюрмортлар яратилади. Ўрта асрда шарқ мамлакатларида монументал ранг тасвир санъати

Ўзининг хақиқий гуллаш даврини бошдан кечирди.

Ранг тасвир – тасвирий санъат тури бўлиб, тасвир мавзуи ва мазмун йўналишларига қараб бир қатор жойлашган: оптимистика, тарихий жанр, баталь жанри, портрет, манзара, натюрморт ва бошқалар. Ранг тасвир бирор қаттиқ юзага рангни ашёларда масалан бўёқлар ёрдамида яратиладиган бадиий асарлар ҳисобланади.

IV. РАНГТАСВИРДА ПОРТРЕТ ЖАНРИ

Рангтасвирда портрет жанри

Портрет- француз тилидаги “портраит” сўзидан таржима қилинганда “ тасвир “ деган маънони билдиради.

Портрет- тасвирий санъат жанри ҳисобланади. Расом тасавурида пайдо бўлган ҳаётий қиёфалар реал ҳаётда мавжуд бўлган якка, икки бир неча гуруҳ кишиларининг тасвиридир.

Портрет рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, ҳамда фото санъатининг муҳим жанрларидан бири ҳисобланади.


Портрет тарзида тасвирланувчининг фақат бош қисми белигача, бутун бўй баста билин олд ва ёки томонидан ишланиши мумкин. Портрет жаниридаги бир асарда кўниньяа бир неча жанрлар қўшишиши мумкин. Портретда тасвирланувчи соф ҳолда (замонавий, яъни атроф мухитини акс эттирмасдан), тинч ҳолатда ёки бирор фаолияти билан маълум мухитда ишланиши мумкин.Шу туфайли шартли равишда портретни портрет ва портрет картина (жанрли портретга) ажратилади.

V. ПОРТРЕТ
ЯРАТИШИНГ ИЖОДИЙ
ЖАРАЁНИ ХАҚИДА

Портрет яратишнинг ижодий жараёни ҳақида.

Ижодий жараён қуйидаги ишлар кетма-кетлигидан иборат.

1. Мавзуга асосан фотонусха танлаб олинди;
2. Керакли ўлчамда тахта ромб ясаб олинади;
3. Тахта ромбга махсус мато (сурф) тортилади;
4. Мато юзаси биринчи ПВА елими ёрдамида грунтланади;
5. Маълум вақтдан сўнг, елимланган мато эмульция ёрдамида грунтланади;
6. Тайёр грунтланган мато юзасига, фотонусха қалам ёрдамида қайталаштирилган масштабда тушурилади;
7. Қалам суркалиб кетмаслиги учун устидан жигарранг бўёқни сюкроқ қилиб, кичик мўйқалам ёрдамида юргизиб чиқилади.
8. Ранг беришда катта ва кичик мўйқаламлар ёрдамида гуашь ҳамда эмульция аралашмасидан фойдаланилади;
9. Барча кўзда тутилган талаблар бажаргач, динлан иши нихоясига етказилди ва хошия (ром)ромб билан безатилди.



VI. ЎҚУВ УСЛУБИЙ ҚИСМ

Мундарижа:

1. Педагог қанда бўлиши керак.
2. Замонавий ўқитиш технологиялари.
3. Дарс режа матни.
4. Дарснинг тури ва мазмуни.
5. Дарснинг бориши.
6. Дарснинг технологик жараёни.
 1. (“Тушунчалар таҳлили” дарс ўтиш услуби.)
7. Дарс ўтиш режаси.
 2. (80-минутлик дарс тақсимоти.)
8. Йиллик иш дастури.
9. Ўқитувчининг тақвим мавзу режаси.
10. Ўқитувчининг шахсий иш режаси.
11. Ўқитувчининг маънавий ва маърифий ишлар режаси.
12. Дарс таҳлили.

Педагог қандай бўлиши керак.

Педагог яъни ўқитувчилик касби жуда ҳам мураккаб касблардан биридир. ҳозирги замон ўқитувчиси зиммвсигв ёш авлодни жисмоний жиҳатдан бақувват, руҳан тетик, билимдон, ватанпарвар қилиб тарбиялаш вазифаси юклаўган. шунинг учун ҳам ўқитувчи кенг маълумотли, ўткир зеҳнли ва юксак маданият эгаси бўлиши керак. Талабалар меҳрибон, очик кўнгил, ўзини уларга яқин тутадиган ўқитувчини севадилар, унга тақлид қилишга, ҳар бир ишда унга эргашишга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчига хос хусусиятлардан яна бири, талабалар билан бир меёрда муносабатда бўлиш, лекин уларга нисбатан қатъий ва жиддий талабчан бўла олишдир. Ўқитувчи талабалар билан яқиндан муносабатда бўлиш, уларга доимо ғамхўрлик қилиш билан бир вақтда, уларни эркалатиб ҳам юбормаслиги керак. Талабалар ўзлари билан ҳаддан ташқари кўплаб муомалада бўлган ўқитувчидан безиб қоладилар. бу эса талабаларнинг ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Демак, ўқитувчи талабалар билан ҳар томонни ҳисобга олган ҳолда, бир меъёрда муомала қилиш керак.

Педагогика ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фандир кишилик жамияти тараққий этиш билан у ҳам ўсиб борди. кишилик жамияти пайдо бўлиши билан, одамларнинг меҳнат фаолияти жараёнида уларнинг ишлаб чиқариш тажрибалари, меҳнат малакалари пайдо бўлиши билан, одамларнинг меҳнат фаолияти жараёнида уларнинг ишлаб чиқариш тажрибалари, меҳнат малакалари пайдо бўлди ва улар ўзгариб, орта борди. Уларда турли меҳнат қуролларини ишлата билиш кўникмалари ҳосил бўлди ва бу қуролларни такомиллаштиришни қобилияти, нутқ ва тафаккур ўсиб боради. Кека авлод меҳнат жараёнида ортирилган тажрибаси асосида, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам меҳнатга иштирок эттиришга ўргатиши керак эди ва шундай қилди. Демак тарбия кишилик жамияти эҳтиёжининг объектив заруриятидан келиб чиқди, шу жамият билан ривожлана борди.

Замонавий ўқитиш технологиялари.

Касбий таълим деганда талабаларнинг муайян ўқув юртида (лицеей, коллеж, институт) ўқув жараёнида эгаллаб олиш лозим бўлган ҳамда системага солинган билим,

малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади. Бу билан малака ва кўникмалар доираси энг муҳим фактлар, миллий тушунчалар конун ва назарияларни, дунёқараш ғояларини ахлоқий ҳамда эстетик нормалар ва идеалларини талабаларнинг кўрсатилган маълумотларини ўрганиш уларнинг илмий тафаккури ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш усуллари ҳақидаги материалларни, шунингдек малака ва кўникмаларни шу жумладан, (олинган билимларни амалда қўллаш) ва янги замонавий билимларни (компютер ва бошқалар) амалда қўллаш ва янги билимларни эгаллашдаги малака ҳамда кўникмаларни ўз ичига олади.

Касбий таълим дастурига ўқитувчи ўзининг кундалик иш фаолиятида амал қилиб, дастурда кўрсатилган мавзуларга маъруза матнлари ёзиб дарсга киради. Бу дастурга амал қилиб, унинг бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Касбий таълим дастурини ишлаб чиқиш вақтида бир қанча талабларни ҳисобга олиш керак. Дастурнинг мазмуни дидактик принципларга тўла-тўқис жавоб бериши: мураккабликнинг ўсиб бориши ҳисобга олинган ҳолдава касбий таълимнинг танланган дидактик системасига мувофиқ равишда муайян изчилликда баён

қилиниши: (КПТ қурилиш – КПТ санъат) мисолида кўриш мумкин. Турмуш билан суверен ва демократик давлат тузиб, обод ва озод Ватан қуриш билан боғлиқ бўлиш мумкин.

Махсус фан ўқитувчиси

“Тасдиқлайман”

Фозилова Фарзонанинг

ўқув ишлари бўйича

4 соатга мўлжалланган

директор ўринбосари

ДАРС РЕЖА МАТНИ

Гуруҳ: 211-тикувчилик

Сана: 12.09.12

Дарснинг тартиб сони: №

4 соатга мўлжалланган

Дарснинг мавзуси: “Рангтасвирда портрет жанри”

Дарснинг мақсади: Талабаларга портрет ишлаш кетма-кетлигини тушунтириш.

Таълимий: Ишлаб чиқариш таълими жараёнида талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш.

Тарбиявий: Талабаларни касбий малакаларини шакллантиришда устоз-шогирд анъаналарига амал қилишни ўргатиш.

Ривожлантирувчи: Талабаларга индивидуал усулда топшириқ бериб, уларнинг ижодий қобилиятини ўстириш.

ДАРСНИНГ ТУРИ

Дарсда қўлланиладиган асосий усуллар: “Тушунчалар тахлили”

Дарснинг жиҳози: Дарсга таълуқли бўлган асбоб-ускуналар, чизмалар ва иллюстрациялар.

ДАРСНИНГ МАЗМУНИ

1. **Ташкилий қисм:** Саломлашиш, журналдаги рўйхат бўйича йўқлама қилиш.
2. Ўтилган дарс мавзусини сўраб мустаҳкамлаш ва талабалар билимини баҳолаш
 - а) Рангтасвир тарихини биласизми?
 - б) Портрет сўзи нимани англатади?
 - в) Рангтасвирда портрет жанри ҳақида маълумот беринг.
3. Ўтилган маъруза якун яшаш.
4. Янги мавзу баёни
5. Ўтилган мавзу юзасидан савол-жавоблар
6. Уйга вазифа
7. Дарсни якунлаш

ДАРСНИНГ БОРИШИ

Р е ж а:

1. Рангтасвирда портрет ишлаш кетма-кетлигида талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш
2. Портрет ишлашда, график ишларни бажаришда, устоз-шогирд анъаналари, устоз ва шогирднинг ўзаро меъзонлари асосида иш юритиб бориш.
3. Юқорида ўтилган дарс кетма-кетлиги жараёнида талаба тафаккури ва касбга қизиқишини ошириб, ривожлантириш орқали мавзуга оид рангтасвир услубда портрет ишлаш.
4. Бўлғуси портрет эскизини олдиндан тайёрлаб олинган рамка юзига тушириш
5. Тайёр бўлган эскизини гуаш ва эмульсия аралашмасидан тайёрланган ранглар ёрдамида мўйқалам билан ранлаш.

**“Рангтасвирда эркак портретини ишлаш” мавзусида
“Тушунчалар тахлили” услубини қўллаб ўтиладиган
80 дақиқилик дарс тақсимоти**

Мазмун ва унга доир ҳаракат	Вақт (дақиқа)
Саломлашиш, давоматни текшириш, тарбиявий суҳбат	5
А) уй вазифасини текшириш ва сўраб мустаҳкамлаш Б) билимларни баҳолаш	15
Янги мавзу баён қилиниб, талабаларни гуруҳларга ажратади	5
Талабалар машғулотини ўтказишга қўйилган талаб ва қоидалар билан таништирилади	5
Тарқатма материаллар (иллюстрациялар) гуруҳ аъзоларига тарқатилади	5
Талабалар якка тартибда янги мавзу бўйича тарқатма материал (иллюстрация)ларда берилган портретлар билан ишлаш	5
Талабалар мақатма материал (иллюстрация)ларда берилган портретлар тўғрисида ўз фикрларини ёзма тарзда билдирадилар	20
Ўқитувчи иллюстрациялар бўйича берилган тушунчаларни ўқиб чиқиб, гуруҳлар билан биргаликда ҳар бир тушунча тўғри изоҳни белгилайди	15
Ҳар бир талаба тўғри жавоб билан белгиланган жавобларнинг фарқларини аниқлайдилар, керакли тушунчага эга бўладилар, ўз-ўзларини текширадилар. Баҳолайдилар, шунингдек билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар	5

“Тасдиқлайман”

Коллеж директори

2011-2012 ўқув йилига мўлжалланган I-босқич Рангтасвир гуруҳи учун ўқитувчи

Фозилова Фрзонанинг “Рангтасвир” фанидан тузган йиллик иш дастури

№	Билим ва мавзуларнинг номи	Машғулотларнинг рақами	Дарс ўтилган кун	Дарсга ажратилган соат	Машғулоти ва тури	Кўргазмали куруллар ва техник воситалар	Мустақил иш тури, амалиёт лаборатория тадқиқоти	Уй вазифаси	Адабиётлар	Фанларaro боғланиш	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Мутахассис-ликка кириш	№1	02.04.12	2	Оғзаки ва амалий	Рангтасвирга оид плакат ва слайдлар	Рангтасвир фанига оид олган билим ва кўникмаларнинг ёзма баёни	Портрет чизишда қўлланиладиган адабиётлар ва асослана олиш	Ранг-тасвир санъат музейи	Умум фанлар	
2	Кириш. Рангтасвир асарлари	№2	14.04.12	2	Оғзаки	Рангтасвир асосларини исботлаб					

берувчи
плакатлар

3	Рангтасвир турлари	№3	20.04.12	2	Оғзаки	Рангтасвир турларига оид расмлар	Рангтасвир турларини шу дастурга ёзиб бориш			Тарих	
4	Рангтасвирда мазмун ва шакл	№4	26.04.12	2	Оғзаки	Рангтасвирда мазмун ва шаклга оид баённомалар ва расмлар		Ўқиб келиш	Маъруза матн	Тарих	
5	Рангтасвир жанрлари	№5	2.05.12	2	Оғзаки	Рангтасвир жанрларига оид расмлар					
6	Рангтасвир санъати	№6	8.05.12	2	Оғзаки	Шу тарахий изчил замон меъёрларига оид расмлар	Мустақил ўқиш	Ўқиб келиш	Маъруза матн		

7	Ўзбекистон рангтасвир санъати	№7	14.05.12	2	Оғзаки	Шу давр рангтасвир мактабларига оид расм ва плакатлар		Асбоблар билан танишиш		Расм	
8	Дарс ўтиш хонасида хавфсизлик техникаси ва ёнгин хавфсизлиги	№8	20.05.12	2	Оғзаки ва амалий	Хавфсизлик техникаси ва ёнгин хавфсизли- гига оид плакатлар	Плакатларни ўрганиш			Физи- ка ва кимё	
9	Портрет ишлашда асбоб ускуналар мойкаламлар ини сақлаш қоидалари	№9	26.05.12	2	Оғзаки	Маълум усуллардан фойдаланиш					

10	Портрет ишлашда ишланадиган мойбўёқ турлари	№10	1.06.12	2	Оғзаки	Мойбўёқ турлари тасвирланган слайдлар	Энг сифатли мойбўёқни танлаш					Физи- ка ва кимё
11	Портрет эскизи ва қоғозга чизиш	№11	7.06.12	4	Амамлий	Портрет эскизлари ва чизилган плакатлар	Эскизларга бўёқ танлаш					кимё
12	Портрет эскизи ва композицияси хакида тушунча бериш	№12	13.06.12	2	Оғзаки	Портрет компози- цияси тасвирланган плакатлар						Компо- зиция

13	Рангтасвирда портрет каламда сўнгра рангда керакли ўлчамда чизиб олиш	№13	19.06.12	4	Амалий						Мате- матика
14	Тўртбурчак шаклли когозга мослаб портрет эскизини чизиш	№14	25.06.12	2	Амалий	Эскизлардан фойдаланиш	Эскизни қоғозга тушириш				Чизма- чилик
15	Такдимот: Жма:			50							
Тузувчи фан ўқитувчиси: Фозилова Фарзона											

Самарқанд вилояти
“Тасдиқлайман”

Самарқанд шаҳри

коллеж маънавий ва маърифий
ишлар бўйича директор
ўринбосари _____

Фозилова Фарзонанинг 2011-2012 ўқув йилда

бажариладиган маънавий ва маърифий ишлар режаси:

№	Бажариладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Изоҳ
1	Август	25.08.11	Мураббий
	Дарс синф хонасининг давлат рамзлари: “Президент портрети, давлат герби, байроғи ва мадҳияси” ма президент асарлари билан жиҳозлаш		
2	Сентябр	1.09.11	Маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари
	1-сентябр Ўзбекистон Респуб- ликаси мустақиллик кунига ба- ғишланган тадбирга қатнашиш		
3	Сентябр	2.09.11	Директор мураббий
	Билим юртига келган талабаларни, билим юртининг ички қонун-қоидарай билан таништириш		
4	Октябр	Доимий	Мураббий
	Рангтасвирда портрет жанри ҳақида суҳбат		
5	Гуруҳ давомати ва ўқиш жараёнини текшириб бориш		

6	Ноябр	Доимий	Тарих ўқитувчиси
	Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари ҳақида талабаларга тўлиқ маълумот бериш		
7	Декабр	8.11.11	Мураббий Тарих ўқитувчиси
	“8-декабр Ўзбекистон Респуб- ликсининг Конституцияси куни” мавзусида талабаларга маъруза ўқиш		
8	Январ	25.01.12	Мураббий
	I-ярим йиллик якуни, гуруҳнинг умумий ва махсус фанлардан тўпланган жорий, оралик ва якуний назорат рейтинг балларини кўриб чиқиб, талабалар билан биргаликда таҳлил қилиш		
	Тузувчи фан ўқитувчиси: Фозилова Фарзона		

Табиатни муҳофаза қилиш

Табиат ўзига хос мураккаб тизим бўлиб, инсон ва жамият унинг хосиласидир. Инсон табиатдан ҳаво, сув, озиқ-овқат, минерал, ёқилғи, ҳом-ашёларни олади ва ўз эҳтиёжларини қондиради ҳамда ҳаёт фаолияти давомида унга ўз таъсирини кўрсатади. Натижада табиат учун ёт бўлган янги объектлар вужудга келади. Булар шаҳар ва қишлоқлар, заводлар, фабрикалар, йўллар, қонлар, сув омборлари, қишлоқ хўжалик ерлари ва бошқалардир. Инсон ақл-идроки ва меҳнати туфайли юзага келган бундай антропоген ландшафтлар атроф-муҳитга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ер юзида аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши, фан техниканинг шиддатли тараққиёти, мамлакатлар ҳудудида табиий ресурсларнинг бир текис тарқалмаганлиги мавжуд табиий ресурсларнинг имкон қадар кўпроқ фойдаланиш ва шу йўл билан жамият тараққиётини тезлатишни тақазо қилади. Натижада табиат ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабат қонунлари бузилади. Бу қонунларнинг бузилиши эса эртами-кечми экологик инқирозга олиб келади. Ҳозирги кунга келиб, бутун дунёдаги экологик ҳолат кўпчилики бирдек безовта қилмоқда. Экологик ҳалокат кўз ўнгимизда дахшатли тус олмоқда. Атроф – муҳитни муҳофаза қилиш ва мавжуд табиий ресурслардан самарали фойдаланиш долзарблигича қолмоқда. Ҳозирги экологик инқирознинг сабабчиси ва ўз ақл-заковати билан шу инқирозни бартараф этучи – бу инсон эканлиги маълум.

Табиат мувозанатини тўғри тушунмаслик натижасида инсон ўзи яшаб турган муҳит табиий ҳолатининг ўта бузилишига сабабчи бўлмоқда. Хусусан, Орол атрофида қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган хатолар денгизнинг қуришига олиб келди, бу эса ўз навбатида ана шу вилоятлардаги аҳоли яшаш шароитларининг ёмонлашишига ва ҳар хил касалликларнинг кучайишига сабабчи бўлди.

Табиатни муҳофаза қилиш муаммосига эътибор бермаслик ёки уни иккинчи режага суришнинг ўзи инсониятни озиқ – овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича узоқ муддатга тузилган режанинг бажарилишига тўсқинлик қилади, худди шунингдек у саноатни ҳар хил маҳсулотлар билан таъминлашни бузади ва оқибатда одамзотнинг яшаши учун зарур бўлган шароитнинг ёмонлашишига олиб келади. Шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, тозалик, сувнинг, атмосфера ҳавосининг таркиби ва тупроқнинг унумдорлиги жами организмларнинг фаолиятига боғлиқдир. Ҳа табиат битмас-туганмас хазина. Ундаги жонсиз ва жонли табиатни, турли-туман ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами ёш авлоднинг табиатдаги хилма-хилликни, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўғри тушунишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ёшлар қизиқувчан бўлади. Улар яшаётган жойдаги ранг-баранг гулларни, ўсимлик дунёсини, гулдан-гулга кўчиб ўтаётган капалакларни, бетиним сайраётган қушларни кўриб роҳатланади.

VII. ХУЛОСА

Хулоса

Авваломбор мен, айнан шу олий ўқув даргоҳининг санъат бўлимида ўқиб, ўз диплом ишимни ҳимоя қилиш арафасида трганимдан ниҳоятда хурсандман. Инсон ўзи учун севимли иши билан шуғулланса, у учун ҳаёт мазмунли бўлиб туйилар экан. Бунинг тескарисига эса айрим қўштирноқ ичидагилар мисолида амин бўлдим.

4 йиллик тахсилим давомида устозларимдан билмаганларимни ўргандим. Ўзим учун керакли бўлган кўникмаларга эга бўлдим. Халқ амалий санъати билан танишдим. Жаҳон, Европа, Рус ва миллий рассомлар ҳаёти ва ижодини ўргандим. Ана шу тамойиллар асносида ва юқорида таъкидлаб ўтган сабабларга кўра, марҳум “дадам” портретини у кишининг хотирасига бағишлаб, рангтасвирда ишлашга баҳоли қудрат ҳаракат қилдим. Ахир ўтганларни хотирлаш, халқимизнинг энг ажойиб ҳислатларидан бири-ку, у кишининг руҳлари шод бўлсин.

Бу ишимни баҳолаш сиз азизларнинг ҳукмингизга ҳавола.

Мен эса ўз навбатида, барча устозларимга, улар қаторида Онамга, қайнонамга, қайнотамга ва турмуш ўртоғимга алоҳида раҳмат айтаман. Улар бўлмаса мен ана шу даражага эриша олмас эдим.

VIII. АДАБИЁТЛАР

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Янгича ишлаш ва фикрлаш давр талаби”, Тошкент 1997 й.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли ” , Тошкент 1992 й.
3. С.Абдурасулов, Н.Толибоев “Рангтасвир” Тошкент 2005 й.
4. М.Набиев “Рангшунослик” Тошкент 1995 й.
- 5.Н.Ойдинов “Рассом – ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари” Тошкент 1997 й.
6. Б.Орипов “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” Тошкент 2005 й.
7. Х.Эгамов “Бунёдкорлар билан ишлаш” Тошкент 1981 й.
8. А.П.Яшухин “Живопись” Москва 1990 й.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси
10. Х.Т.Авлиёкулов “Замонавий ўқитиш технологиялари” Тошкент 2001 й.